



## ROADS CONNECTING SUGHD AND BACTRIA IN ANTIQUITY

**Anvar J. Yaxhiyev**

Associate Professor, Candidate of History  
Fiscal Institute under the Tax Committee  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** border, roads, directions, landing, pass, river crossing, Greek sources, Arabic sources, Armenian sources, military campaign, castle.

**Received:** 23. 02. 23

**Accepted:** 25. 02. 23

**Published:** 27. 02. 23

**Abstract:** In this article, the results of the study of the routes and distances of communication routes between Sughd and Bactria, which played an important role in the history of the region and the country, stopping points, passes and river crossings, written sources, interpretations and conclusions in scientific literature, and material evidence obtained in the course of archaeological research are compared. analyzed without Based on the analysis of the collected data and the results of direct observations along these lines, views on this matter were summarized, controversial issues were clarified and relevant conclusions were drawn.

## АНТИК ДАВРДА СУФД ВА БАҚТРИЯНИ БОҒЛОВЧИ ЙЎЛЛАР

**Анвар Ж. Яхшиев**

доцент, тарих фанлари номзоди  
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт  
Тошкент, Ўзбекистон  
E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** чегара, йўллар, ўйналишлар, қўналға, довон, дарё кечуви, юонон манбалари, араб манбалари, арман манбалари, ҳарбий юриш, қалъа.

**Аннотация:** Ушбу мақолада минтақа ва мамлакат тарихида муҳим ўрин тутган Суфд ва Бақтрия ўртасидаги алоқа йўлларининг ўйналишлари ва оралиқ масофаси, тўхтаб ўтиш нуқталари, довон ва дарё кечувлари масалаларининг ўрганилиши натижалари ёзма манбалар маълумотлари, илмий адабиётлардаги талқин ва холосалар ҳамда археологик

тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган ашёвий далиллар ўзаро қиёсланган ҳолда таҳлили ва мазкур йўналишлар бўйлаб бевосита кузатишлар натижаларига таянган ҳолда бу борадаги қарашлар жамланиб, мунозарали масалалар аниқлаштирилган ва тегишли хуласаларга келинган.

## ДОРОГИ, СОЕДИНЯЮЩИЕ СОГД И БАКТРИЮ В ДРЕВНОСТИ

**Анвар Ж. Яхшиев**

*доцент, кандидат исторических наук*

*Финансовый институт при Налоговом комитете*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** граница, дороги, направления, высадка, перевал, переправа, греческие источники, арабские источники, армянские источники, военный поход, крепость.

**Аннотация:** В данной статье приведены результаты изучения путей и расстояний путей сообщения между Согдом и Бактрией, сыгравших важную роль в истории региона и страны, остановочных пунктов, перевалов и речных переправ, письменных источников, интерпретаций и сопоставляются выводы в научной литературе и вещественные доказательства, полученные в ходе археологических исследований. На основе анализа собранных данных и результатов непосредственных наблюдений в этом направлении были обобщены мнения по этому поводу, уточнены спорные вопросы и сделаны соответствующие выводы.

### КИРИШ

Узоқ йиллар мобайнида Суғд ва Бақтрия ўртасидаги чегара масаласи илм-фандада катта мунозараларга сабаб бўлди. Гарчи бу борада ҳали охирги нуқта қўйилмаган бўлсада, ёзма манбалар маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, антик давр тонготари – мил.авв. IV аср охириги чорагига келиб Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар – Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистан ерлари Бақтриянинг таркибига кирган. Мазкур ҳудуд айни пайтда шартли равишда Шимолий Барқтрия деб аталади, аммо ўз вақтида қандай номланганлиги масаласи ҳозирча жумбоқ.

Бу вилоятларни ўзаро боғловчи йўллар масаласи юон манбалари таҳлилига асосланади ва асосан Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари билан боғлиқ равишда тилга олинади. Курций Руфнинг маълумотларига кўра, Александр ўз

юришларининг учинчи ойида қўшин билан қишилик қароргоҳидан чиққан ва Габаза деб номланувчи вилоят сари юриш қилган [1, 2-14]. Арияннинг маълумотларига кўра, Александр Наутака вилоятида қишилаган [2, 18]. Бу вилоятнинг жойлашган ўрни археология маълумотлари асосидан аниқланган бўлиб, унинг маъмурий маркази Китобдан 9 км шимолий-ғарбда жойлашган Узунқир харобаларига тўғри келади [3, 44-62].

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

И.В.Пьянковга кўра, Александр ҳаракатланган йўл Наутака вилоятидан Габаза вилоятига қараб ўтган ва дара ҳамда довонга қадар давом этган. Бу ерда Александр қўшинлари уч кун давом этган кучли бўронда қолиб кетган. Сизимитр қалъаси ҳам шу ерда жойлашган бўлган ва у Ариян эслатиб ўтган Хориен қалъасига тўғри келади [4, 10]. Бу қалъа ишғол қилингач, Александр паретаклар мамлакати орқали Оксни кечиб ўтиб Бақтрия ерларига киради. Шу ерда Паретака ва Бубакена орқали келаётган ҳарбий қисмлар ҳам етиб келади ва бутун македон армияси бирлашади.

Александрининг Наутакадан Бақтрияга қараб ўтган йўлини И.В.Пьянков ўрта аср араб сайёҳларининг Кешдан Балхга қадар бўлган масофа ҳақидаги маълумотлари билан таққослади. Унинг тахминича, Кешдан Бойсун тоғидаги Темирдарвозага қадар Ғузор вилояти орқали ўтадиган йўлнинг узоқлиги тўрт кунлик масофага teng. Темирдарвозадан Балхга қадар масофа эса беш кунлик йўлга teng. И.В.Томашек ва В.В.Григорьевларнинг [5, 27; 6, 192] фикрига қўшилиб, И.В.Пьянков Сизимитр – Хориен қалъаси Темирдарвоза атрофида жойлашганлиги ва у Бақтрия ҳамда Суғд ўртасидаги катта йўл устида чегара нуқтаси вазифасини бажарганлигини ёзади [7, 43-46].

Бу борада И.В.Пьянковнинг фикрлари анчайин ишонарли. Лекин у араб сайёҳлари Кешдан Темирдарвозага Ғузор орқали борадиган йўлнинг узоқлигини тўрт кунлик масофага tengлаштирганлар, дея нотўғри хulosага келади [7, 43-46]. Аслида бу йўлнинг узунлиги: Кешдан Ғузоргacha – 100 км, Ғузордан Темирдарвzagacha – 80 км, жами масофа 180 км.ни ташкил қиласди ва у қариб олти кунлик йўлга teng. Араб сайёҳлари эса, Кешдан Темирдарвzagacha борадиган йўлнинг узоқлиги тўрт кунлик йўл, деганларида Калтамиор йўлини назарда тутишган. Калтамиор йўли яқин пайтларгacha Сурхондарё ва Қашқадарё оралиғидаги энг қисқа йўл вазифасини бажариб келган [4, 11].

Бақтрия – Тоҳаристондан бошланувчи бош йўл Термиз, Шўроб, Чўчқагузар кечувларидан ўтгач, Шерободдарё водийси бўйлаб давом этган. Кушонлар даврида Шеробод шаҳрининг шимолий қисмида мустаҳкам Кофирқалъа мавжуд бўлган. Бу қалъадан дарёning дарага кириш жойи назорат қилиб турилган. Кейинчалик айнан шу жойда Шеробод бекларининг қалъаси жойлашган [8, 31-34]. Кофирқалъадан шимолга

қараб чиққан йўл тўппа-тўғри Дарбандгача борган. Сўнgra кескин ғарбга бурилиб, Шўробсой водийси ҳамда Темирдарвоза орқали ўтиб Киндик қишлоғигача борган. Шу жойга келганда йўл иккига бўлинган. Бири шимолий-ғарбга – Насафга қараб кетган. Бу йўлнинг олислиги Диғеги қишлоғи орқали бир кунлик масофа ва Субоҳдан Насафгача ҳам бир кунлик масофани ташкил қилган. Иккинчи йўл эса Киндикдан шимолга бурилиб, тўғри Кешга қараб кетган. Айнан шу йўналишда Кешгача бўлган масофа уч кунлик йўлни ташкил қилган [9, 192].

Шундай қилиб, Киндик қишлоғи Бақтрия – Тоҳаристондан Кеш ва Суғдга борадиган бош йўлда асосий нуқта вазифасини бажариб келган. В.В.Бартольд Киндик қишлоғининг жойлашган ўринини Кичик Ўрадарё водийсидаги Қорахавал қишлоғида, деб белгилайди [9, 192]. Бу ўринда у Н.Маевнинг маълумотларига асосланган кўринади. Ўз вақтида Н.Маев Қорахавал қишлоғидан қўйида Шахрисабздан келувчи асосий йўлдан Қаршидан келувчи йўл ажралади, дея ёзган эди [10, 247]. Лекин аслида бу жойдаги Қаршига олиб борадиган йўл асосий йўл бўлмасдан, балки иккинчи даражали йўл бўлган. Йўлнинг икки йўналишга ажралиб кетадиган асосий жойи эса, бизнингча, Оқрабодда бўлган. Киндик қишлоғининг айнан шу ерда жойлашган бўлиши ҳақиқатга анча яқин. Оқрабод кейинчалик ҳам карvonлар тўхтаб ўтадиган асосий таянч нуқталардан бири вазифасини ўтаб келган.

Сайёҳлар Темирдарвозадан Киндиккача бўлган масофани бир кунлик йўл сифатида қайд этадилар. Аммо бу Бузғала дарасидан бошлаб эмас, балки Дарбанддан бошлаб ҳисобланган масофа бўлиши керак. Чунки Бузғала атрофларидан ўрта асрларга оид иншоотлар топилмаган, Дарбанддан эса X-XII асрларга оид йирик ўрта аср иншооти топиб текширилган. Бу қалъа ичида ички ҳарбий иншоот ҳам мавжуд бўлган. Дарбанддан Оқрабодгача бўлган масофа 20 км.ни ташкил қиласди. Бу масофа ўрта асрларда бир кунлик йўлга teng бўлганлиги ҳақиқатга тўғри келади. Айни пайтда бу йўлнинг рельефи ҳам мураккаб бўлиб, унда илдамроқ ҳаракатланишининг иложи бўлмаган. Бу йўл водийдан дара орқали ўтиб, довоннинг энг баланд кисмида жойлашган Оқрабодгача тикка кўтарилиб борган.

Оқрабоддан Шахрисабзга борувчи йўл Н.Маев томонидан масофаси кўрсатилган ҳолда батафсил тасвиirlаб берилиган. Унинг маълумотларига кўра, бутун йўлнинг узоқлиги 112 верст, яъни 119 км 504 м.ни ташкил қиласди. Икки ўртадаги бекатлар Қорахавал (Оқрабоддан 24 верст – 25,6 км масофада), Калтамиор (Қорахавалдан 20 верст – 21,3 км масофада), Ёртепа (Калтамиордан 28 верст – 29,8 км масофада), Чимқўрғон (Ёртепадан 24-25 верст – 25,8 км масофада) бекатларидан иборат бўлган. Ёртепагача 6 верст қолганда йўл тоғдан ажралган ва Камдарвоза дараси орқали Чимқўрғон текислигига чиққан.

Чимкўрғондан Шахрисабзгача бўлган масофа 16 верст – 17 км.ни ташкил қилган [10, 241-249; 271-273].

Араб сайёхларининг маълумотларига кўра, Кешдан Киндиккача бўлган масофа уч кунлик йўлга тенг бўлган [9, 192]. Курций Руфнинг маълумот беришича, Александр қўшинлари Габаза вилоятига қадар уч кун йўл босгандар [11, 2-14].

Александр қўшинлари Калтамиор йўлидан келган деб тахмин қилиш мумкин. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу йўл бўйлаб Шахрисабздан Оқрабодгача бўлган масофа 120 км, Бузғала дарасига қадар эса 130 км.га яқин йўлдир. Бу масофани ўта ҳаракатчан бўлган Александр армияси кунига 40 км.дан уч кунда босиб ўтганлиги ҳақиқатга зид эмас. Ёртепа ёнидаги Камдарвозадан Оқрабод ва Темирдарвозага қадар чўзилиб кетган Габаза вилояти тоғли ерда жойлашганлиги илим-фанда ўз тасдиғини топган.

Курций Руф маълумотларига кўра, Александр Македонский қўшинлари Наутакадан жўнаб кетганларидан кейинги учинчи куни тоғ довонига етиб борадилар. Ўша ердан Габаза ва Паретакага йўл ўтар эди [11, 1-13]. Ушбу муҳим географик маълумот Александрнинг кейинги ҳаракат йўналишини етарли аниқлик билан белгилаш имконини беради.

Қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар Қашқадарё ҳавзасидан жануб ва жанубий-шарққа Оқрабод ҳамда Тошқўрғон довонлари орқали ўтувчи иккита асосий йўл элтади. Анча енгил ва ҳатто ғилдиракли уловлар қатнаши учун ҳам қулай бўлган Оқрабод довони орқали ўтувчи биринчи йўл машхур Темирдарвоза орқали Шеробод воҳасига чиққан ва у ердан Чўчқагузар ҳамда Оксдаги Шўроб – Пардагвига, у ердан эса Бақтрияга олиб борган. Анча мураккаб бўлган иккинчи йўл эса баланд Тошқўрғон довони орқали ўтган ва Сангардак дарёси орқали Сурхондарё водийсига чиққан.

Илк ва ривожланган ўрта асрларга оид ёзма манбаларда бу йўллар Чагониён ва Тоҳаристондан Кеш ва Нахшабга олиб борувчи асосий йўл сифатида қайд қилинади [9, 192-193]. Археология маълумотларига кўра, ушбу йўллар юқоридаги вилоятларни камида аҳамонийлар давридан бошлаб ўзаро боғлаб келган. Александр Македонский қўшинлари фақат ана шу иккала довоннинг бири орқали ўтишлари мумкин эди. Чимкўрғон – Яккабоғ худудларидан Тошқўрғон довонига қадар 60 км.дан сал қўпроқ масофани ташкил қилувчи тўғри йўл боради. Ўша худудлардан Оқрабод довонига қадар эса ўз вақтида Н.А.Маев томонидан тасвирлаб берилган иккита йўл орқали бориш мумкин. Э.В.Ртвеладзенинг фикрига кўра, анча кеч пайдо бўлган биринчи йўл Ғузор чўли орқали ўтган, иккинчи йўл тоғ олди Ёртепа худуди – Катта Ўрадарё – Қорахавал қишлоғи йўналиши бўйлаб ўтган [12, 98]. Биринчи йўл бўйлаб масофа 140-150 км.ни, иккинчи йўл бўйлаб эса 110-120

км.ни ташкил қиласи. Шу билан бирга, Қашқадарёнинг қуий оқимидағи худудлардан Тошқўрғон довонигача бўлган масофа 140-150 км, Оқрабод довонига қадар эса 120-130 км.га тенг [4, 18].

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган масофаларга кўра, фақатгина Чимқўргон-Яккабоғ худудларидан бошлаб, агар кунига 30 км.дан йўл юрилганда, учинчи куни амалда Тошқўрғон довонига етиб бориш мумкин. Қашқадарёнинг қуий оқимидағи бошлаб эса хоҳ Тошқўрғон, хоҳ Оқрабод довонигача бўлсин, бундан кўпроқ муддат талаб қилинар эди.

Александрининг Ўрта Осиё жанубий вилоятларига юришининг иккинчи босқичи мил.авв. 327 йилнинг баҳорида бошланган бўлиб, асосан Паретаклар мамлакати орқали ўтган. Ариан маълумотларига кўра, Александр Суғдиёнадаги ишларини якунлагач паретаклар устига юради ва у ерда жойлашган «Хорриен чўққи» қальясини эгаллади. Шундан кейин Македон қўшинлари икки қисмга бўлинади. Александринг ўзи асосий қўшин билан Бақтрияга юради. Кратер эса олти юз отлик – «дўстлар» ва ўзининг ҳамда Полиперхонт, Аттал ва Аллектнинг пиёда қўшинлари билан Катан ва Австанга (маҳаллий ҳокимлар) қарши юриш қиласи. Улар ҳозирга қадар Паретака ерида Александрга бўйсунмаган ягона ҳокимлар эди. Ҳал қилувчи жангда Кратер Паретака исёнчилари устидан ғалабага эришади. Австан асирга олинади, Катан эса жангда ҳалок бўлади. Шу воқеадан кейин Кратер ҳам ўз қўшинлари билан Бақтрияга қайтади [13, 18-22]. Ушбу ҳарбий юриш хақидаги Курций Руфнинг маълумотлари Ариан маълумотларига деярли мос келади, фақатгина унда Полиперхонт томонидан Бубакена мамлакатнинг маҳв этилиши воқеаси қўшимча қилинган, холос [11, 52].

Манбаларга кўра, Александринг Суғдиёнадан Паретака сари бўлган ҳаракат йўналиши дастлаб тоғли жой ва довон орқали ўтган. Демак, Александр фақат Ҳисор тизмаси орқали ўтиши мумкин эди. Юқорида таъкидланганидек, Александр армияси Ҳисордан Тошқўрғон довони орқали ўтган бўлиши мумкин. Агар Оқрабод довони орқали ўтилган тақдирда ҳам (ҳар иккала холатда) Александр ҳозирги Сурхондарё вилояти худудига кириб келар эди. Шундан келиб чиқадики, Паретака ана шу худудда жойлашган бўлиши керак. Ушбу мамлакат ёки «ер»нинг жойлашган ўрни хусусидаги илмий қарашлар бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Фақатгина В.Томашекнинг бу борадаги қарашлари бошқалардан ажralиб туради. Унга кўра, Паретака Бадахшон худудида жойлашган ва у тоғли мамлакат бўлган [5, 34-35, 52]. В.В.Григорьевнинг тахминига кўра, Паретака атамаси «тоғли мамлакат» маъносини англатиб, у Сурхондарё, Сурхоб ва Кофирниҳон воҳаларида, яъни Ҳисор ўлкасининг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган [6, 200-201].

И.Марквартнинг фикрига кўра, Паретака – «дарё ювиб турувчи вилоят» ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон худудида жойлашган [14, 75].

Э.В.Ртвеладзе Кратер билан бўлган жангда Паретака исёнчиларидан 1,5 минг киши ҳалок бўлганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди [12, 99]. Қурбонлар сонига қараганда, бу жангда кўп сонли аҳоли иштирок қилган ва бу жойда кўплаб аҳолига эга бўлган йирик масканлар мавжуд бўлган. Паретаканинг жойлашган ўрнини аниқлашда ушбу ҳолат, албатта, инобатга олиниши лозим ва унга ҳаммадан кўпроқ Сурхондарё вилоятининг шимоли-ғарбий қисми тўғри келади. Ёзма манбалардаги маълумотларни археологик ва топографик далиллар билан қиёслаб асосли равишда айтиш мумкинки, Паретака мамлакати ҳозирги Сурхондарё вилоятининг тоғ олди қисмida жойлашган. Унинг пойтахт шаҳри эса Қизилтепа қўхна шаҳри ўрнида бўлган. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришига кўра, антик даврга келиб Паретака ахорли масканларининг асосий қисми ўз фаолиятини тўхтатади [15, 73].

## ХУЛОСА

Хуллас, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб «Шимолий Бақтрия» атамаси илмий муомалага киритилган бўлиб, бу худуд шимолдан Ҳисор тоғ тизими, ғарбдан Кўҳитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тоғлари билан чегараланувчи қадимги тарихий-маданий вилоятни ўз ичига олган. Ушбу масала юзасидан тадқиқотчилар орасида кўпгина баҳслар бўлиб ўтганлигига қарамасдан, археологик маълумотлар натижаларини ёзма манбалар билан солишириш натижасида масалага кўпгина аниқликлар киритилди. Шунинг баробарида, Бақтрия ва Суғдни боғловчи йўллар масаласи ҳам юонон манбаларини ўрта аср араб манбалари билан солишириш ҳамда мазкур йўналишлар бўйлаб олиб борилган бевосита илмий кузатишлиар орқали маълум маънода ўз ечимини топиб, умумий ва яхлит тасаввур ҳосил қилинди.

Хусусан, Шимолий Бақтриядан ўтувчи қадимги йўллар ва уларнинг йўналишлари (Балхдан Амударё кечуви орқали Темирдарвозадан Ғузор йўналиши билан Кешгача), вилоятлар ва қалъаларнинг жойлашуви масалалари мумкин қадар ўз ечимини топди, дейиш мумкин. Шунга кўра, антик даврда Амударё юкори оқимининг ўнг қирғоғидаги ерлар – Сурхон воҳаси ва қисман Жанубий Тожикистон ерлари Бақтрияning таркибиغا кирган. Тарихий вилоятларни бирлаштирувчи йўллар бир неча йўналишлар орқали ўтган бўлиб, мазкур йўллар худудлараро иқтисодий ва маданий алоқаларда муҳим ўрин тутганлиги билан бир қаторда, истилочилик ҳаракатлари ҳам шу йўллар орқали амалга оширилган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Курций Руф. История Александра Македонского / Пер. и примеч. В.С.Соколова. – М. 1963. – VIII, IV.
2. Арриан. Поход Александра / Пер. М.Е.Сергеенко. – М.– Л., 1962. IV.
3. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. А.С.Сагдуллаев таҳрири остида. – Т., 1998.
4. Яхшиев А.Ж. Шимолий Бақтрияниг антик давр тарихи ва маданияти. – Тошкент: Fan ziyozi, 2022.
5. Tomashek W. Centralasuanische Studien. 1. Sogdiana // Sitzungsberichte der philosophisch-historischen Classe. Akademie der Wissenschaften. – Wien, 1877.
6. Григорьев В.В. Поход Александра Великого в Западный Туркестан // ЖМНП. – СПб., 1881.
7. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: названия и территории). – Душанбе: Дониш, 1982.
8. Ртвеладзе Э.В. О генезисе кушанских поселений Северной Бактрии // ВДИ. – 1978. – №4.
9. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. – М. 1963.
10. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. – Вып. V.
11. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского / Пер., примеч., под. ред. В.С.Соколова. – М.: Изд. Моск. ун-та, 1963.
12. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности. – М., 1981.
13. Арриан. Поход Александра. – М. – Л., 1962. IV.
14. Marquart J. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938.
15. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – 1959.